



QUALIFYING OF SPECIALISTS IN HISTORICAL SCIENCE AND THEIRS' CONTRIBUTION FOR THE DEVELOPMENT IN NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN WHICH FACULTY OF HISTORY (SINCE THE FACULTY ORGANIZES TILL UP TO NOW)

Khusan Y. Ergashev

Lecturer

*National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: National University of Uzbekistan, Asian State University, Tashkent State University, Academician, Doctor of Philosophy, Professor, Archaeology, Uzbek University, state University, outstanding state university, "external" nomination honored award, "Friendship" order.

Received: 13.12.23

Accepted: 15.12.23

Published: 17.12.23

Abstract: This article consists of brief bibliographic information about scientists who studied at the Faculty of history in different years and also associated their further scientific activities with this study or this field, and consists in demonstrating to the public how much they contribute to the progress of science.

ТАРИХ ФАНИ СОҲАСИДА МУТАХАСИС КАДРЛАРНИНГ ЕТИШИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИНГ СОҲА ТАРАҚҚИЁТГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ МИСОЛИДА (ФАКУЛЬТЕТ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИДАН БУГУНГА ҚАДАР)

Хусан Ю. Эргашев

ўқитувчи

*Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Мирзо Улубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўрта Осиё давлат университети, Тошкент давлат университети, Академик, тарих фанлари доктори, профессор, Археология бўлими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофати лауреати, "Беруний" номидаги

Аннотация: Ушбу мақола ЎзМу Тарих факулететида турли йилларда таҳсил олган ва ўзларининг кейинги илмий фаoliyatlarini ҳам ушбу даргоҳ ёки шу соҳа билан боғлаган олимлар ҳақида қисқача библиографик маълумотлардан иборат бўлиб, фан тараққиётiga қанчалик ҳисса қўшиб келаётганликларини оммага намоён қилишдан иборат.

Давлат мукофатига сазовор бўлган,
“Дўстлик” ордени.

**НА ПРИМЕРЕ ИСТОРИЧЕСКОГО ФАКУЛЬТЕТА НАЦИОНАЛЬНОГО
УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА (С МОМЕНТА ОСНОВАНИЯ ФАКУЛЬТЕТА
ДО СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ) ПОКАЗАН РОСТ КАДРОВ СПЕЦИАЛИСТОВ В
ОБЛАСТИ ИСТОРИЧЕСКОЙ НАУКИ И ИХ ВКЛАД В РАЗВИТИЕ ОТРАСЛИ**

Хусан Ю. Эргашев

преподаватель

Национальный университет Узбекистана
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Национальный университет Узбекистана, Азиатский государственный университет, Государственный Университет Ташкента, Академик, доктор философии, профессор, Археология, узбекский университет, государственный университет, выдающийся государственный университет, “внешний” номинация заслуженная премия, “Дружба” орден

Аннотация: Эта статья представляет собой краткую библиографическую информацию об ученых, которые в разные годы учились на историческом факультете Узбекского государственного университета и связали свою дальнейшую научную деятельность с этой дисциплиной или областью, чтобы показать общественности, насколько они вносят свой вклад в развитие науки.

КИРИШ

Тарих фани ижтимоий фанлардаги ўрни ва аҳамияти ўтмиш ва бугунни боғлаб туриши билан ўлчанади, шу аснода келажакка оид ёндашиб борасидаги фикр – мулоҳазаларни юритишга ёрдам беради. Собиқ иттифоқ йилларида тарих фанининг ривожи учун бир қатор олий таълим муассасалари фаолият олиб борган бўлиб, улар орасида ЎзМу Тарих факультети этакчи таълим даргоҳи хисобланарди, негаки ушбу даргоҳ тарих фани мутахасис кадрларни этиштириб бериш мақсадида ташкил дастлабки ўкув даргоҳи еди. Факультет 1935 йилда ташкил этилган бўлиб, бу пайтда факультетда 3 кафедра мавжуд бўлган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Факультет ташкил этилганидан бугунги кунга қадар кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, ушбу мақолада илмий тадқиқотларнинг совет ва мустақиллик йилларида олиб борилган ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган илмий ишларнинг қайси профессор-ўқитувчилар томонидан қандай мавзуларда олиб борилганлиги ҳақида маълумотларни ётиборингизга хавола этиш орқали устозларимизнинг илмий фаолиятини ёш авлодга боҳабар этишни жоиз деб билдик. Ётиборлиси ушбу олимлар факультетда таҳсил олиб, ўзларининг ҳаётларини тарих фани билан боғладилар. Олимларнинг қисқача шахсий маълумотлари ва ёқланган номзодлик ва докторлик диссертатсиялар ҳақида

маълумот беришни лозим топдик, унда олимларнинг таваллуд топган йиллари тартибида ёритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўрта Осиё давлат университети ва Тошкент давлат университети деб номланган, шу сабабли университет номлари ҳақидаги маълумот билан танишириш орқали қўйида бериладиган маълумотларни тушунишда нокулайликнинг олдини олишга хизмат қиласди. Ўрта Осиё давлат университетида Тарих факультетида таҳсил олган талабалар орасида Назаров Салоҳиддин Алижонович 1930 йил 1 январда Намангандеги шаҳрида таваллуд топган бўлиб, 1953 йили Ўрта Осиё давлат университетини тамомлаган. 1960 йилда «Руководство партийным и государственным строительством в Средней Азии (1918–1924 гг.)» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қиласди. 1969 йилда «Партийное строительство в Средней Азии (1918–1934 гг.)» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қиласди Тарих фанлари доктори, профессор каби даражаларга эришади.

Академик, тарих фанлари доктори, профессор Абдулаҳад Раҳимжонович Муҳаммаджонов 1931 йил 2 октябрда Тошкент шаҳрида бинокор уста оиласида дунёга келган. Ўрта мактабни тамомлагандан сўнг, 1951 йилда Ўрта Осиё Давлат университети шарқ факультетининг шарқ мамлакатлари тарихи бўлимини тутатган. Академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов 1955 йилда Яхё Ғуломов раҳбарлигида “XIX асрнинг 20-50 йилларида Бухоронинг Россия билан олиб борган алоқаларига доир манбалар” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳамда 1973 йилда “Қўйи Зарафшон водийсининг сұғорилиш тарихи (қадим замонлардан то XX аср бошларигача)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, тарих фанлари доктори, профессор, Юрий Федорович Буряков 1934 йил 15 марта Қирғизстон Республикасининг Ўш вилояти, Учқўрғон қишлоғида таваллуд топган. 1956 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг Археология бўлимини тутатган. 1966 йилда олим «Из прошлого Чаткало-Кураминское промышленного района (К истории горного дела и металлургии Илака)» мавзусидаги номзодлик, 1985 йилда Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса (в древности и средневековье) мавзусидаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қиласди. Олим 2015 йилда вафот этган.

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори Шамамбетов Бердамбет Шамамбетович 1935 йил 30 июня Қорақалпоғистон Республикасининг Кегайли туманида таваллуд топган. 1959 йил Тошкент Ўрта Осиё давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Олим 1970 йили «Подготовка

сельскохозяйственных кадров в ККАССР (1928–1941 гг.)» мавзусида номзодлик, 1994 йили «Аграрное развитие Республики Каракалпакистан (1965–1985 гг.)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофати лауреати, тарих фанлари доктори, профессор Сулаймонов Рустам Ҳамидович 1939 йил 30 май кун Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1962 йил ТошДУ Тарих факультетининг археология бўлимини тамомлаган. Р.Ҳ.Сулаймонов «Статическое изучения культуры грота Оби-рахмат» мавзусида номзодлик, «Древняя культура южного Согда» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Унинг илмий, педагогик ва жамоатчилик соҳаларидаги фаолияти чексиз баҳоланиб “Беруний” номидаги Давлат мукофатига сазовор бўлган, “Дўстлик” ордени билан тақдирланган. Ўзбекистон фан арбоби Р.Ҳ.Сулаймонов халқаро миқиёсида археологлар билан илмий алоқаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, у Германия Археология институтининг фаҳрий аъзоси этиб сайланган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети “Археология” кафедрасининг профессори лавозимида фаолият қўрсатмоқда.

Беруний номидаги Давлат мукофати лауриати, ЎзР ФА Академиги, тарих фанлари доктори, профессор Ртвеладзе Эдвард Васильевич 1942 йилнинг 14 майида Грузиянинг Баржома шаҳрида туғилган. Миллати грузин. 1967 йилда ТошДУ тарих факультетининг археология бўлимини тамомлаган. Олим 1967 йилда Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида лаборант сифатида иш бошлаб, шу даргоҳнинг Санъат тарихи бўлимининг мудири лавозимида фаолият юритган. 1975 йил собиқ СССР Фанлар Академияси Археология институтининг Ленинград бўлимида тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилди. 1989 йил Москва давлат университетида “Древня Бактрия – Средневековый Токаристан: динамика историко-культурного развития” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган. Олим 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиклигига сайланган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академиясининг олтин медали ва дипломи билан тақдирланган. Олим 2022 йилда вафот этган.

Тарих фанлари доктори, профессор Хондамирмирза Фофурович Ғуломов 1947 йил 29 марта куни Тошкент шаҳрида зиёли хонадонида таваллуд топган. ТошДУ тарих факультетини тамомлаган. Олим бир неча йил ЎзМУ Тарих факультети декани (1992-1998 йй.), университет илмий ва халқаро алоқалар бўйича проректори лавозимларида ишлаган. Узоқ йиллар ЎзМУ тарих факультети профессори лавозимида фаолият олиб борди. Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти Ихтисослашган кенгаши қошидаги илмий

семинар раиси. “Дипломатические отношения Бухарского ханства с Россией в XVIII веке” мавзусида номзодлик, “История дипломатических отношений государств Средней Азии с Россией (XVIII – первая половина XIX вв.)” докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. 2023 йилда вафот этган.

Тарих фанлари доктори Мусаев Нуридин Умирзоқович 1948 йил 17 марта Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманидаги Ёнбош қишлоғида таваллуд топган. 1972 йилда Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Олим 1989 йили “Агросаноат интеграциясини ривожлантиришда Ўзбекистон компартиясининг роли” мавзусида номзодлик диссертациясини, 2000 йилда «XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистанда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ҳозирги кунда ЎзМу Тарих факультети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг профессори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Тарих фанлари доктори, профессор Муртазаева Раҳбархон Ҳамидовна 1950 йил 20 марта куни Наманган шаҳрида таваллуд топган. 1972 йилда ТошДУнинг тарих факультетини тамомлаган. 1975 йилда “Ўзбекистон меҳнаткашларининг байналминал тарбияси” мавзусида номзодлик, 1990 йилда эса “Ўрта Осиё республикаларидағи миллатлараро муносабатларнинг иқтисодий асоси” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Ҳозирги кунда ЎзМу Тарих факультети “Ўзбекистоннинг янги ва енг янги тарихи” кафедрасининг профессори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Академик, тарих фанлари доктори, профессор Анатолий Сагдуллаевич Сагдуллаев 1951 йил 15 июнда, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида таваллуд топган. 1973 йилда ТошДУ тарих факультетининг археология бўлимини тамомлаган. Олим 1973 йилдан ТошДУда кичик илмий ходим, 1981–1983 йилларда «Этнография, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи» кафедрасида катта ўқитувчи, 1983–1987 йилларда ушбу кафедра доценти, 1987 йилдан 1992 йилгача ТошДУ тарих факультети декани лавозимларида ишлаган. А.Сагдуллаев 1978 йилда «Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа» мавзусида номзодлик, 1989 йилда эса «Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган.

Тарих фанлари доктори, профессор Валерия Львовна Гентшке 1950 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1972 йилда Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тутатган. 1976 йилдан – 2004 йилгача ТошДУ тарих факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозиларида ишлаган. 1999 – 2004 йиллари

ЎзМУ тарих факультети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири. 1976 йили “Коммунистическая партия – организатор шефского рабочего движения в республиках Средней Азии и Казахстане (1928–1932 гг.)” мавзусида номзодлик, 1990 йили “Деятельность Коммунистической партии по обеспечению ведущей роли рабочего класса в социалистическом строительстве в республиках Средней Азии: (Середина 20-х – середина 30-х годов)” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Тарих фанлари доктори, профессор Чориев Зоир Усманович 1957 йил Сурхондарё вилояти Термиз туманида таваллуд топган. Олим 1974-1979 йилларда Тошкент давлат университети тарих факультетини тамомлаган. 1982–1988 йилларда тарих факультети “Тарих” кафедраси ўқитувчиси лавозимида ишлаган. 1985 йилда “XX асрнинг 60–80-йилларида Сурхон–Шеробод воҳаси кўриқ ерларининг ўзлаштирилиши тарихи” мавзусида номзодлик диссертациясини, 1999 йилда эса “XX аср бошида Туркистон ўлкаси мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг кучайиши ҳамда унинг оқибатлари (мардикорликка сафарбарлик мисолида)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2012 йил 30 январда вафот этган.

Тарих фанлари доктори Раҳбар Эргашевна Холикова 1957 йил 1 сентябрда Қашқадарё вилояти Косон туманида таваллуд топган. 1979 йили Тошкент давлат университети тарих факультетини тамомлаган. 1994 йили «Развитие высшего исторического образования в Узбекистане (на примере исторического факультета ТашГУ) (1935–1994 гг.)» мавзусида номзодлик, 2005 йили «XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия–Бухоро муносабатлари тарихи» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Тарих фанлари доктори Шайдуллаев Шапулат Базарович 1960 йил 12 августа Сурхондарё вилояти Қумқўргон туманида туғилган. Миллати ўзбек. 1982 йилда Тошкент давлат университети тарих факультетини тамомлаган. Олим “Бақтрия илк темир даврида” мавзусида номзодлик, “Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари” мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган.

Тарих фанлари доктори Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов 1962 йил 26 июня Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги Саврак қишлоғида туғилган. 1989 йилда Тошкент давлат университети тарих факультетини тамомлаган. Олим 1995 йилда “Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918–1924 й.й.)” мавзусида номзодлик диссертациясини, 2005 йилда “Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918–1924 й.й.)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Тарих фанлари доктори Мавлонов Ўқтам Махмасобирович 1962 йил 19 ноябрда Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Кўқдала ж\x, Суфи қишлоғида туғилган. 1989 йилда Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. 1995 йилда “Қашқадарё воҳасининг XVIII–XIX асрлардаги савдо ва маданий алоқалари” мавзусида номзодлик, 2009 йилда “Ўрта Осиёning алоқа ва савдо йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Тарих фанлари доктори, профессор Эргашева Юлдуз Алимовна 1963 йил 28 сентябрда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Олима «Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши йилларида халқ маорифи (1941–1945 йй.)» мавзусида номзодлик диссертациясини, «Ўзбекистон маданияти: ҳолати, ривожланиш ўйналишлари ва муаммолари (50–60 йй.)» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Тарих фанлари доктори, профессор Эшов Боҳодир Жўраевич 1964 йил 21 майда Қашқадарё вилояти, Шахрисабз туманининг Янгикишлоқ қишлоғида таваллуд топган. 1991 йилда Тошкент давлат университети тарих факультетининг археология бўлимни тамомлаган. 1999 йилда “Қадимги Суғдиёна тарихи ва маданияти” мавзусидан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Урбанизация ва давлатчиликнинг илк босқичлари тарихи масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини давом эттириб, 2008 йилда “Ўрта Осиёда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Тарих фанлари доктори Шадманова Санавар Базарбаевна 1965 йил 4 февралда Жиззах вилояти Фаллаорол туманида туғилган. 1987 йилда ТошДУнинг тарих факультетини тамомлаган. 2002 йилда “Немис ва турк тарихшунослигида Туркистондаги 1917–1924 йилларда совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари” мавзусида номзодлик диссертациясини, 2011 йилда эса “Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ахволи масалалари (1870 – 1917 й.)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Тарих фанлари доктори, доцент Маҳкамова Нодира Раҳмоновна 1967 йил 14 марта Тошкент шаҳрида, зиёли оиласда таваллуд топган. 1989 йили ТошДУнинг тарих факультетини тамомган. Олима 1995 йилда “Файзулла Хўжаевнинг давлат фаолиятига оид материаллар тарихий манба сифатида (1925–1937 йй.)” мавзусида номзодлик, 2009 йилда эса “Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX – 30-е годы XX в.)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Тарих фанлари доктори Ўлжаева Шохистахон Мамажоновна 1967 йили Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. 1990 йилда Тошкент давлат университети тарих факультетини тамомлаган. Олима 1999 йилда «XX асрнинг 50–60 йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги (шўро адабиётлари мисолида)» мавзусидаги номзодлик диссертациясини, 2008 йилда «Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Тарих фанлари доктори Кобзева Ольга Петровна 1975 йил 11 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1999 йили Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Олима 1998 йилда университет аспирантурасига сиртдан қабул қилиниб, тарих факультети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида фаолиятини ўқитувчи сифатида бошлади. 2001 йилда “Великий Шелковый путь: проблемы научной периодизации и истоки изучения европейскими учеными во второй половине XIX-начале XX в.в.” мавзуда номзодлик, 2010 йилда “Великий Шелковый путь: анализ проблем и перспектив изучения” мавзуида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Ҳозирги кунда ЎзМУ Тарих факультети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг профессори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

ХУЛОСА

Юкорида номлари қайд этилган олимлар бугунги кунда Ўзбекистон тарихи фанинг ривожи йўлида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келаётганликлари эътиборга моликдир. Бўлажак тарихчи мутахасисларнинг олимларимиз этагидан тутиб, устоз шогирдлик анъанларини давом эттиришларида уларнинг ўрни бекиёсдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘z MU joriy arxivi Tarix fakulteti “O‘zbekiston tarixi” kafedrasining 2022-2023 o‘quv yiligi o‘quv ishlar hisobotidan
2. O‘z MU joriy arxivi Tarix fakulteti “O‘zbekistonning eng yangi tarixi” kafedrasining 2022-2023 o‘quvyiligi o‘quv ishlar hisobotidan
3. Холиқова Р.Э. Ўзбекистонда тарих фани ва таълимини ривожлантириш, мутахасислар тайёрлаш (Тош ДУ Тарих факультети фаолияти мисолида 1935-1994 й.й): Тарих фанлари номзоди ... дисс.-Тошкент, 1995.
4. Ergashev H.Y. Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy Universiteti Tarix fakulteti tarixi (1991-2021 yy.) Magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan. diss. - Toshkent, 2023.
5. Мўътабар зиё маскани (1918-2008).: Т, 2008.

6. Ўзбекистон тарихчилари. I жилд (биобиблиографик маълумотнома). –Т.: Fan va tehnologiya, 2012.
7. Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika universiteti Neft va Gaz fakulteti “O‘zbekiston tarixi” kafedrasи mudiri t.f.d., prof. R.E.Xoliqova bilan suhbatdan, 26.03.2022-yil.
8. <https://kun.uz/news/2022/02/10/akademik-edvard-rtveladze-olamdan-otdi>
9. <https://bigenc.ru/c/buriakov-iurii-fiodorovich-e79081>